
"Беш ташаббус олимпиадаси"нинг вилоят босқичи ғолибларининг ютуғи муносиб эътироф этилди

Марғилон шаҳрида "Беш ташаббус олимпиадаси" доирасида волейбол бўйича спорт мусобақаларининг вилоят босқичи бўлиб ўтган эди.

Ушбу спорт мусобақаларида Учкўприк туманидаги 25-умумтаълим мактаби ўқувчилари ҳам муносиб иштирок этишиб, фахрли 1-ўринни қўлга киритишди.

Учкўприк тумани ҳокими ўринбосари Шухратжон Позилов ҳамда мактабгача ва мактаб таълими бўлими раҳбари Хуршиджон Махсудов мазкур таълим масканида бўлиб, ёш спортчилар, уларнинг устоз-мураббийлари, шунингдек, мактаб жамоасини ушбу ғалаба билан қутлашди.

Жамоа мураббийига туман ҳокимининг ташаккурномаси ва эсдалик совғалари топширилди. Ўз навбатида, ёш спортчиларнинг ютуқлари ҳам алоҳида эътироф этилди.

2024-12-12 14:04:10